



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Uzun tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 7-uy. 191100, tel.: (+99876) 44-73-545, uzun.t@exat.uz

20 21il “ 12” fevral

Қ-87 -son

Uzun sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу йўналишда давлат органлари ҳамда ташкилотлари ҳамкорлигини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 2021 йил 8 февралдаги 59-сонли ҳамда шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 10 февралдаги Қ-79-сонли қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу йўналишда давлат органлари ҳамда ташкилотлари ҳамкорлигини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳақида” 2021 йил 8 февралдаги 59-сон ҳамда шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 10 февралдаги Қ-79-сонли қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорга кўра чакана савдо объектларида халқ истеъмоли товарларининг назорат харидини ташкиллаштириш ва уларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланганлини инобатга олинсин.

3. Туман ҳокимининг матбуот котиби (А.Қурбонов), “Боботоғ тонги” газетаси бошлиғи (И.Бобокалонов) билан биргаликда:

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорининг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ҳамда назорат харидини амалга ошириш натижалари тўғрисида кенг жамоатчилик, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тизимли равишда ахборот-маърифий ишлар ташкил қилинишини;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик маданиятини ошириш, савдо объектларида сотилаётган маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан маҳаллий телерадиоканаллар, босма нашрлар ва ижтимоий тармоқлар орқали туркум кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилишини ҳамда мақолалар чоп этилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Чоршанбиев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Б.Турсунов